

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатги олииди  
№ МО-2-195  
2019 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг  
2019 йил „Ҳунари“  
1023 - сонлиқ бўйрути билан  
тасдиқланган.

Зооинженерия: “Балиқчилик”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИИИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

*Ҷайта тайёрлаши ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хуяр таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашималар фаолиятни  
Муофиқлаштирувчи кенгашининг*

*2019 ийл \_\_\_\_\_ 18.10. \_\_\_\_\_ даги 5 -сонли баённомаси билан маъқулланган*

- Тузувчилар:** “Ўзбекистоннинг министри тикланишидан министри юксалиш босекичида олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Сафиев, ф.ф.д., проф. М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов “Таълим-тарбия жарабайларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий хужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Тўйчиева, доц. в.б А.Раҳмонов “Педагогининг инновацион фаолиятни ришояллантириш” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, и.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.ф.д. Г.Ибрагимова, катти Үкитунчи Р.Нимухамедов, А.Тураев, М.Матназарова, Н.Хақцизарова, М.Низомиров, Д.Кушарбаев. “Электрон педагогики исодчиги на педагогининг шахсий, касбий ахборот майдонини тақомиллантириш” модули: п.ф.д., проф. Ф.Зокироша, и.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, Үкитунчилар А.Обидов, И.Чорисев, А.Хошимов, Г.Отамуродов “Амалий хорижий тилини Ўргашининг интенсив усуллари” модули: катти Үкитунчиниар Ф.Бойсприева, Н.Джабборова, Ш.Файзуласна, У.Гимсони “Таълим жарайдини бонкоринида тигимли таҳлил ва қарор қабул қилиншини замонийн технологиялари” модули: т.ф.д., проф. А.Юлдишев, п.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова. **Маҳсус фишлар бўйича** б.ф.д., доц. М.Юлдошев, б.ф.д., доц. А.Кумметов, ф.-м.ф.н., доц. Н.Норалиев, и.ф.д., доц. Р.Дусмуратов, С.Мухамадиев, С.Мирзаева, С.Расулов. **Хорижий эксперти** б.ф.д., проф. Алип Хеъ Сунг - Копия илмий ишлаб чиқарини марказни директори (Жанубий Корея), к.х.ф.д., проф. У.Соитов ТДАУнинг “Умумий зоотехния” кафедраси мудири.

*Ўқув дастури Тошкент давлат аграр университети Кенгашининг қарори билан тасдиқка тавсия қилинган (2019 ийл \_\_\_\_\_ даги 5 -сонли баённома).*

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий хужжатлари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоги, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий хужжатлари

## **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Мутахассислик фанларини ўқитишида илгор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот - коммуникация технологияларини қўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишида масофавий таълим технологиялари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Қишлоқ хўжалигида тизимли таҳлил асослари.

## **VI. Махсус фанлар**

6.1. Аквакультурада балиқларни парваришлашни янги технологиялари.

6.2. Балиқчиликда наслчилик – селекция ишлари.

## **VII. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илгор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

**Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:**

- Зооинженерия: “Балиқчилик” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

Зооинженерия: “Балиқчилик” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

## **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари хамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги хамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака хамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон сув хавзаларининг флора ва фаунасини;
- балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича илгор технологияларни;
- балиқ маҳсулотларига бўлган замонавий талабларни;
- сув организмларининг яшаш мұхитини;
- чучук сув ҳайвонлари ва ўсимликларини;
- сув организмларининг нафас олиши, озиқланишини;
- балиқ маҳсулотлари сифатига таъсир қилувчи замонавий омилларни;
- планктон, нейстон, эпонейстон ва гипонейстон, нектон тушунчаларини;
- гидробионтлар ўсиши ва ривожланишини **билиши керак**.

**Тингловчи:**

- бентос ва фитопланктон организмларни кўпайтириш;
- планктон йигиш уни лаборатория шароитида тадқиқ қилиш;
- балиқчилик ва балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш **каби кўниумаларига эга бўлиши лозим.**

**Тингловчи:**

- балиқ маҳсулотларини етиштириш;
- гидроэкотизимлар улардан самарали фойдаланиш;
- гидросферанинг экологик ҳолатини илмий башарот қилиш;
- балиқчиликда замонавий технологияларни жорий этиш;
- илмий асосланган янгиликларни қўллаш **бўйича малакаларига эга бўлиши зарур.**

**Тингловчи:**

- балиқ маҳсулотларидан ноёб озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш;
- балиқчилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияларини қўллаш;
- экспортга йўналтирилган балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- балиқ маҳсулотлари ва балиқ гўшти етиштириш;
- сув экотизими ҳақида тассавурга эга бўлиш **бўйича компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

**Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустакил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака оширишнинг бевосита шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

# **ЗООИНЖЕНЕРИЯ: “БАЛИҚЧИЛИК” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

## **I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.**

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуклар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристири. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида харакатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқга хизмат қилсин” гояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълим ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг хар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва ҳукукий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳукуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вактларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий хужжатлари.**

Жамиятда ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг хуқуқий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг хуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёsatининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўкув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон хуқуклари. Гендер муаммолари ва ўкув жараёнида гендер-дифференцияланган хулк-авторнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонунисти ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хуқуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўкув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўкув режалари ва ўкув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўкув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хуқуқий хужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

## **II. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

### **2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.**

Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иктидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

### **2.2. Мутахассислик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар**

Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнини ташкил этиш, сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар ва замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва мутахассислик фанларини ўқитиш технологиялари соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар. Жаҳон таълим тизимида педагогик фаолиятнинг тури кўринишлари. Таълим-тарбия жараёнида тескари алоқани амалга ошириш йўллари. Талабалар билимини баҳолаш ва назорат топшириқларини тайёрлаш бўйича илғор хорижий тажрибалар.(ERASMUS, ECTS халқаро дастурлар)

## **III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари

ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булатли технологиялар. Google булатли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурӣ воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимидали ўқув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

### **3.2. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишида масофавий таълим технологиялари**

Масофавий таълим ва масофавий ўқитиши усуслари. Агар таълим учун мультимидали компонетларини яратиш. Қишлоқ хўжалиги соҳаларига тегишли ахборот тизимлари, дастурлар ҳамда масофавий таълим ва оммавий онлайн очиқ курслари билан танишиш ҳамда видео дарслар яратиш. Лаборатория ва амалий машгулотларни ташкил этишида виртуал таълим технологиялари.

## **IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуслари.**

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – В1, В2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитиши лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машхур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда сухбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

## **V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

### **5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.**

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўкув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қуйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

### **5.2. Кишлок хўжалигида тизимли таҳлил асослари**

Кишлок хўжалигида тизимли таҳлил, инновация ва инвестиция фаолиятининг тизимли таҳлили. Кишлок хўжалигида инновация фаолияти тизимли таҳлили. Кишлок хўжалигида инвестиция фаолияти тизимли таҳлили.

## **VI. МАҲСУС ФАНЛАР**

### **6.1. Аквакултурада балиқлар парваришишнинг замонавий технологиялари**

Аквакультуранинг асосий тушунча ва принципларини ўрганиш. Сув организмларининг яшаш мұхитига мослашуви. Сув экотизими хақида тассавурга эга бўлиш, унинг тузилиши, гидросферанинг экологик ҳолатини илмий башарот қилиш. Сув хавзаларида абиотик омилларнинг сув организмлари хаёт тарзига таъсири. Гидробионтлар озуқаси. Озуқавий ўзаро алоқадорлиги. Гидробионтлар ўсиши ва ривожланиши. Гидробионтлар популяцияси. Гидробиоценозлар. Гидроэкотизимлар улардан самарали фойдаланишнинг экологик асослари. Континентал сув хавзалари гидробиологияси. Планктон, нейстон, эпонейстон ва гипонейстон, нектон тушунчалари ва уларга кирувчи организмлар. Бентос ва фитопланктон организмлар. Планктон йиғиши уни лаборатория шароитида тадқиқ қилиш.

Сув организмларининг нафас олиши, озиқланиши. Ўзбекистон сув хавзаларининг флора ва фаунаси. Чучук сув ҳайвонлари ва ўсимликлари.

## **6.2. Балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси**

Балиқ маҳсулотларига бўлган замонавий талаблар. Балиқчилик ва балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларида доир Вьетнам, Корея ва ривожланган давлатлар технологиялари. Балиқ маҳсулотлари сифатига таъсир қилувчи замонавий омиллар. Балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича илгор технологиялар, уларни республикада кўллаш имкониятлари. Балиқчилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияларини кўллаш орқали импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш. Балиқ маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш бўйича илмий асосланган жараёнларни кўллаш. Балиқ маҳсулотлари ва балиқ гўшти етиштириш ва уни қайта ишлаш натижасида ноёб озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашнинг илгор усуллари. Балиқчилик фермер хўжаликлари ва балиқ маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда балиқ ва балиқ маҳсулотлари қайта ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларда жаҳонда тан олинган технологияларни жорий этиш.

## **VII. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битириув ишини ҳимоя қилиш асосида ўtkазилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машгулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машгулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, таркатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: очиқ ўқув машгулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро

(импакт-факторлы) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўкув адабиётлари (дарслик, ўкув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсни кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурӯҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### II. Норматив-хукуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.– Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўгрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўгрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўгрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «эл-юрт умиди» жамгармаси фаолиятини ташкил этиш тўгрисида”ги ПФ-5545-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 августдаги “Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида”ги ПҚ-4421-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўгрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўгрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

23. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

24. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

25. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

26. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

27. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.

28. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

29. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition.

Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

30. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

31. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyatni nashriyoti”, 2014. –192 b.

32. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.

33. Иванов А.П. “Рыбоводство в естественных водоемах”. Москва. ВО “Агропромиздат” 2013. 368 с.

34. Дорохов С.М., Пахомов С.П., Поляков Ф.Д. “Прудовое рыбоводство”. Москва. “Высшая школа”, 2011. 240 с.

35. Черномашенцев А.И., Мильштейн В.В. “Рыбоводство”. – М: Легкая и пищевая промышленность, 2010. 272 с.

36. Вавилкин А.С., Иванов А.П., Курбанов И.И. “Основы ихтиологии рыбоводства”. Москва “Агропромиздат” 2008. 120с.

37. Хусенов С.Қ., Ниёзов Д.С., Сайфуллаев F.M. Балиқчилик асослари. “Бухоро” нашриёти. 2010. 298 б.

#### **IV. Интернет сайtlар**

38. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

39. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

40. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)

41. [www.fishery.uz](http://www.fishery.uz)

42. [www.fishing.com](http://www.fishing.com).

**"ИШЛАБ ЧИҚЫЛГАН":**

Олий ғылым тизими педагог ва раҳбар  
адабият/и жаз тайерлаш ва уларнинг  
миллийсији ошириш ташкил этиш  
Единий наука тарбияти  
Директори А.В.Маматкулов Шоймардонов  
2019 й.

Республиканский институт  
Реконструкции и восстановления  
А.В.Маматкулов  
М.9.

**"КЕЛИШИНГАН":**

Кадрлар на ўқув юргулар  
бошкармаси, ўқув юргулари на мактаба  
ошириш бўлими  
Бошлиги А.В.Маматкулов  
2019 й.

М ў

Тоникент давлат аграр университети ҳузуридаги  
педагог кадрларни кайга тайёрлаш ва уларнинг  
миллийсији ошириш тармоқ маркази

Директор А.В.Маматкулов  
2019 й.

М ў